



сабатлар кўринишида намоён бўлади. Кола-верса, буюк шоирнинг луғат бойлигини муайян мавзу доирасида ўрганиш семеманинг

семик табиятини диахрон аспектда тадқиқ этиш имконини ҳам беради.

ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ЯРАТИЛГАН ЛОТИНЧА-ФОРСЧА ВА ҚУМАНЧА ЛУҒАТ

ЖАФАРОВ БОТИР

Катта илмий ходим-изланувчи, НамДУ

Аннотация. Ушбу мақолада қадимий туркий луғатлардан бири Кодекс Куманикус ва унинг туркий-шуносликда тутган ўрни ҳамда аҳамияти, қўлёзманнинг таркиби ва мазмунини ҳамда унинг жаҳон олимлари томонидан ўрганилиши ҳақида фикр юритилган.

Таянч сўз ва иборалар: қўлёзма, луғат, итальян, олмон, Шарқ, Кодекс Куманикус, қипчоқ, шева.

Аннотация. В этой статье написано о древнетюркском памятнике Кодекс Куманикус, его роли и значении в тюркологии. Кроме того, написано об изучении древнетюркской рукописи Кодекс Куманикус мировыми учеными.

Опорные слова и выражения: рукопись, словарь, итальянский, немецкий, Восток, Кодекс Куманикус, кипчак, диалект.

Summary. This paper enlightens the ancient Turkic monument of “Codex Cumanicus”; its role and significance in the field of Turkic studies. And here is given the analyses of the content, meanings and the works of other scholars on this manuscript.

Keywords and expressions: manuscript, dictionary, Italian, German, the East (Orient), “Codex Cumanicus”, Kipchak, dialect.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг аجدодларимиз қолдирган бой маданий меросни ўрганиш, уни келажак авлодларга етказиш бугунги кундаги олимлар ва уларнинг ворислари олдидаги муҳим масала бўлиб қолмоқда. Зеро, ҳар бир халқнинг бугунги тараққиёти ва эртанги куни унинг маданий мероси ҳамда аجدодлари қолдирган анъаналари ва қадриятлари асосида мустаҳкамланади.

Маълумки, мустабид тузум даврида қанчадан-қанча маданий ва маънавий ёдгорликларимиз оёқ ости бўлди. Не-не олиму фузалоларимиз қатағон қурбонларига айланишди. Уларнинг бебаҳо қўлёзмаларига ўт қўйилди ва яна қанча асарлари бизга бошқача талқинларда етказилди. Биз мустақиллигимиз шарофати билан ўз қадриятларимизни қайта тиклашга, уларнинг тўғри талқинларини билишга мушарраф бўлдик. Шу ўринда Юртбошимизнинг ушбу фикрларини келтириш ўринли: “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир халқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, бўйсундирмоқчи, унинг бой-

ликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”¹.

Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ ўз тарихини, миллий-маънавий меросини жиддий ўрганиши, улардаги бой маданий-маърифий ҳамда бадиий эстетик имкониятлардан юрт равнақи йўлида, юртдошларини юксак маънавиятли шахслар қилиб тарбиялашда фойдаланмоғи жоиз. Юртбошимиз “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”², – деб бежиз таъкидламаганлар. Тарих саҳнасида бунёдга келган бир қатор ёзма обидалар барча туркий халқлар учун муштараклиги билан ажралиб туради. Улар туркий халқлар адабиётларининг кейинги босқичларидаги тараққиёт учун

¹ И. А. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 9-б.

² Ўша асар. 4-б.



умумий асос вазифасини ўтаб келган. Туркийшуносликда ана шундай ёдгорликлар қаторида XI асрда яратилган икки буюк обида: Махмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” ҳамда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарлари ҳақли равишда қайд этилади. Буларнинг ёнида XIII аср охири XIV аср бошларида Дашти Қипчоқда яратилган адабий меросларимиздан яна бири “Кодекс Куманикус” ҳам бор.

“Кодекс Куманикус”нинг номи «*Alfabetum Persicum, Comanicum et Latinum Anonymi scriptum Anno 1303. Die 11 Julii*»дир. Жаҳон илмий жамоатчилиги орасида бу асар 1880 йил венгер олими Геза Куун томонидан берилган “Кодекс Куманикус” номи билан юритиб келинади. Геза Куун тадқиқига қадар бу ёдгорлик “Петрарка Кодекси” номи билан юритилиб келинган. Чунки, қўлёзма Венециядаги Авлиё Марк ибодатхонасига Франческо Петрарка томонидан совға қилинган. Ваҳоланки, юқоридаги, қўлёзманинг биринчи саҳифасида келтирилган ном... **“1303 йил 11 июлда яратилган муаллифи номаълум Алифбо тарзидаги лотинча, форсча ва қуманча луғат”** тарзида таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Кодекс Куманикус”нинг тадқиқини немис шарқшунос олими Генрих-Юлиус Клапрот бошлаб берган. У 1807–1813 йилларда Россия Фанлар академиясининг фахрий академиги сифатида туркийшуносликка оид бир қатор ишларни амалга оширган. Хусусан, мазкур ёдгорликнинг қуманча қисмини лотинча аслияти асосида, форсча транскрипция ва французча таржима ҳолида биринчи мартаба нашр қилган¹.

Шундан кейин асар Геза Куун² (1880) томонидан транслитерация ҳамда транскрипция ҳолида, Владимир Радлов³ томонидан (1936) фак-

симиль ҳолида, Владимир Дринба⁴ томонидан (1973) матннинг бир қисми нашр этирилган. Александр Гаркавец⁵ томонидан (2004) китобнинг биринчи қисми (Таржимонлар китоби) ва иккинчи қисми (2006) (Тарғибот китоби) нашр қилинган бўлса, асар таркибидаги топишмоқлар Андреаса Титце (1966)⁶ томонидан тадқиқ қилинган.

Асар туркиялик⁷ ва қозоғистонлик⁸ олимлар томонидан ҳам анча жиддий тадқиқ этилган.

Мазкур ёдгорликнинг умумий ҳажми 82 қўлёзма нусхасидаги саҳифа (бу ҳозирги 164 бетга тўғри келади)дан иборат бўлиб, у 19,5–20,5х12,5–14 см ҳажмида бўлиб, биринчиси 1–26, 2–25, 3–24, 4–23, 5–22, 6–21, 7–20, 8–19, 9–18, 10–17, 11–16, 12–15, 13–14, 27–0, 28–0, 29–0, иккинчиси 30–59, 31–58, 32–57, 33–56, 34–55, 35–54, 36–53, 37–52, 38–51, 39–50, 40–49, 41–48, 42–47, 43–46, 44–45 ҳамда учинчиси 60–0, 61–82, 62–81, 63–80, 64–79, 65–78, 66–77, 67–76, 68–75, 69–0, 70–0, 71–74, 72–73 шаклидаги учта дафтар кўринишида бўлган. Ёдгорлик XVIII асрнинг биринчи ярмида ягона шаклга келтирилиб, 21,5х15 ҳажмли тери муқова билан қопланган. Анъанавий равишда график ва тил хусусиятига кўра ёдгорлик икки қисмга бўлинади. Биринчиси – Италиянча (Таржимонлар китоби), (1–55-бетлар) ва иккинчиси – Немисча (56–82-бетлар). Кодекс Куманикуснинг биринчи қисми 1560 та сўздан таркиб топган лотинча, форсча ва қуманча луғат бўлса, иккинчи қисмида 1220 сўздан иборат қуманча-немисча луғат (56–59; 80 ҳамда 82-бетларнинг иккинчи ярми),

¹ Klaproth J. Notice sur un Dictionnaire persan, coman et latin, légué par Petrarque à la Republique de Venise // J. Asiatique. 1826. T. 8. – P. 114–117.

² Kuun G. Codex Cumanicus bibliothecae ad templum Divi Marci Venetiarum. – Budapestini, 1880.

³ Radloff W. Das türkische Sprachmaterial des Codex Cumanicus. – SPb., 1887.

⁴ Drimba V. Codex Comanicus: Édition diplomatique avec fac-similés. – Bucarest: Editura Enciclopedica, 2000.

⁵ Гаркавец А.Н. Codex Cumanicus: Половецкие молитвы, гимны и загадки XIII–XIV веков. – М.: Русская деревня, 2006. – С. 88.

⁶ Tietze A. The Koman Riddles and Turkic Folklore. – Berkeley, 1966.

⁷ TAVKUL, Ufuk (2000), Karaçay-Malkar Türkçesi Sözlüğü.-Ankara: Türk Dil Kurumu.

⁸ Курышжанов А. Формы и значения падежей в языке "Codex Cumanicus": Автореф. канд. дисс.– Алма-Ата, 1956. – С. 15.



лотинча-куманча луғат (65, 66-бетларнинг иккинчи ярми ва 79-бет), 47 та қадимги туркий топишмоқлар ва христиан динининг дуо ва мадҳиялари ўрин олган.

Ёдгорликнинг итальянча қисми қуйидагилардан ташкил топган: 1-саҳифанинг 1–5-сатрларида лотин тилида *MCCCIII (MCCCm) (1303 / 1330) die XI (11) Julii. In nomine Domini Nostri Ihu Xpi et Beatae Virginis Mariae Matris eius et omnium Sancotorum et Sanctarum Dei. Amen. Ad honorem Dei et Beati Johannis Evangelistae. In hoc libro continentur Persicum et Comanicum per Alfabetum*” сўзлари ёзилган. (Таржимаси “1303 (1330) йил 11 июль. Худоимиз Исо Масих ва унинг онаси Биби Марям ва барча муқаддас авлиёлар номи билан Омин. Худо ва Иоанн Евангилие номи билан. Алифбо тарзидаги муаллифи номаълум лотинча, форсча ва куманча луғат.

1-саҳифанинг 6-сатрида: лотин тилида “феълларнинг уч-тўрт хил тусланиши”;

1-саҳифанинг 7-сатридан 2-саҳифанинг иккинчи қисмигача: audio (“эшитмоқ”) феълининг шахс-сонда тусланиши;

3-саҳифанинг 1-сатридан 11-саҳифанинг 30-сатригача: хаттотлик ва давлат ҳужжатларини юритиш ҳамда кундалик турмушда фойдаланиладиган сўзлар;

11-саҳифанинг 13–14-сатрида Куманча: **“Ким мага берса, мендагар берайм, Ким мага бермас, мен ҳам бермам”** (Ким менга берса, мен ҳам бераман, Ким менга бермаса, мен ҳам бермайман) деган мақол;

30-саҳифанинг чап томони юқорисида вертикал шаклда ёзилган “битик” сўзи;

30–33-саҳифаларда: алифбо тарзидаги равишлар луғати;

33-саҳифанинг иккинчи ярми ва 35-саҳифада: олмош, от ва сифатларнинг турланиши;

35-саҳифанинг иккинчи ярмида: астономик ва диний терминлар;

36-саҳифанинг 1–5-сатрларида: тўртта шеър;

36-саҳифанинг 6–10-сатрларида: тўртта темперамент;

36-саҳифанинг 11-сатридан 36-саҳифанинг иккинчи ярмининг 21-сатригача: ой номлари;

36-саҳифанинг иккинчи ярми 22–27-сатрларида: инсонлардаги бешта ҳиссиёт;

37-саҳифанинг 1–24-сатрларида: об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар;

37-саҳифанинг 25-сатридан 38-саҳифанинг 18-сатригача: сифат ва сифатдошлар;

38-саҳифанинг 19-сатридан 39-саҳифанинг 27-сатригача: кундалик турмушда ишлатиладиган баъзи сўзлар;

39-саҳифанинг иккинчи ярмидан 40-саҳифагача: турмушга оид сўзлар луғати;

40-саҳифанинг 1-сатридан 18-сатригача: савдо ва савдогарликка оид сўзлар;

40-саҳифанинг 19-сатридан 42-саҳифанинг биринчи ярмигача: парфюмерия ва шарқона маҳсулотларга оид сўзлар;

42-саҳифанинг иккинчи ярмининг 1-сатридан 21-сатригача: металл ва уни қайта ишлашга оид сўзлар;

42-саҳифанинг иккинчи ярмининг 22-сатридан 43-саҳифанинг 17-сатригача: мўйналарга оид сўзлар;

43-саҳифанинг 18-сатридан 27-сатригача: бичиш-тикишга оид сўзлар;

43-саҳифанинг иккинчи ярми 1-сатридан 12-сатригача: косибчиликка оид сўзлар;

43-саҳифанинг иккинчи ярми 13-сатридан 25-сатригача: дурадгорликка оид сўзлар;

43-саҳифанинг иккинчи ярми 26-сатридан 44-саҳифанинг 2-сатригача: сартарошликка оид сўзлар;

44-саҳифанинг 3-сатридан 13-сатригача: расмий ҳужжатларга оид сўзлар (форсча ва куманча таржималар берилмаган);

44-саҳифанинг 14-сатридан 45-саҳифанинг иккинчи ярми 4-сатригача: хизматга оид сўзлар;

45-саҳифанинг иккинчи ярми 5-сатридан 26-сатригача: давлат бошқаруви ва саркардаликка оид сўзлар;

46-саҳифанинг 1-сатридан 46-саҳифанинг иккинчи ярми 23-сатригача: савдо-сотик ва савдо молларига оид сўзлар;

46-саҳифанинг иккинчи ярми 24-сатридан 47-саҳифанинг 5-сатригача: рангларга оид сўзлар;



47-саҳифанинг 6-сатридан 9-сатригача: газламаларга оид сўзлар;

47-саҳифанинг 10-сатридан 27-сатригача: қимматбаҳо тошларга оид сўзлар;

47-саҳифанинг иккинчи ярмидан 48-саҳифанинг иккинчи ярмигача: инсон танаси аъзоларига оид сўзлар;

49-саҳифанинг 1-сатридан 22-сатригача: дўстлик ва қариндош-уруғчиликка оид сўзлар;

49-саҳифанинг 23-сатридан 49-саҳифанинг иккинчи ярми 17-сатригача: инсонларнинг ижобий хислатларига оид сўзлар;

49-саҳифанинг иккинчи ярми 18-сатридан 50-саҳифанинг охиригача: инсонларнинг салбий хислатларига оид сўзлар;

50-саҳифанинг иккинчи ярми 1-сатридан 21-сатригача: уруш ва қурол-аслаҳаларга оид сўзлар;

50-саҳифанинг иккинчи ярми 22-сатридан 32-сатригача: уй анжомларига оид сўзлар;

51-саҳифанинг 1-сатридан 10-сатригача: кийим-кечакларга оид сўзлар;

51-саҳифанинг 11-сатридан 27-сатригача: бинокорликка оид сўзлар;

51-саҳифанинг 28-сатридан 51-саҳифанинг иккинчи ярми 18-сатригача: инсонга биринчи навбатта керак бўладиган анжомларга оид сўзлар;

51-саҳифанинг иккинчи ярми 19-сатридан 52-саҳифанинг 21-сатригача: йилқичилик ва эгар-жабдукка оид сўзлар;

52-саҳифанинг 22-сатридан 52-саҳифанинг иккинчи ярми 9-сатригача: ётоқхонага оид сўзлар;

52-саҳифанинг иккинчи ярми 10-сатридан 25-сатригача: овқатланиш столига оид сўзлар;

52-саҳифанинг иккинчи ярми 25-сатридан 53-саҳифанинг 14-сатригача: ошхонага оид сўзлар;

53-саҳифанинг 15-сатридан 53-саҳифанинг иккинчи ярми 20-сатригача: дарахт ва меваларга оид сўзлар;

53-саҳифанинг иккинчи ярми 21-сатридан 54-саҳифанинг 11-сатригача: сабзавотларга оид сўзлар;

54-саҳифанинг 12-сатридан 54-саҳифанинг иккинчи ярми 26-сатригача: ҳайвонларга оид сўзлар;

54-саҳифанинг иккинчи ярми 27-сатридан 55-саҳифанинг 2-сатригача: чувалчанг, судралиб юрувчилар, қурт-қумурскаларга оид сўзлар;

55-саҳифанинг 3-сатридан 28-сатригача: қушларга оид сўзлар;

55-саҳифанинг иккинчи ярмида: озиқ-овқат маҳсулотларига оид сўзлар берилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, қўлёзмада берилган сўзларнинг инглиз, рус, турк, қозок тилларидаги эквивалент қиёсий таҳлили бўйича бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Аммо, “Кодекс Куманикус” бўйича жаҳон туркийшунослигидан улкан ва такрорланмас тадқиқотлар амалга оширилган бўлишига қармасдан, ушбу ёдгорлик бўйича ҳалигача Ўзбекистонда бирор-бир тадқиқот амалга оширилмаган. Балки, бу қўлёзма тадқиқи учун бир неча тилни билиш зарурлиги учун ҳам ҳалигача олимларимиз томонидан тадқиқ этилмаган бўлиши мумкин. Чунки, қўлёзмадаги сўзларнинг лотин, форс, ва немис тилидаги сўзлар билан қиёсий таҳлиллари борасида қарама-қарши фикрлар мавжудлиги ва ундаги таржима-ларнинг хилма-хиллиги, ушбу манбаларни ва маълумотларни янада чуқурроқ ва теранроқ тадқиқ қилишимиз учун олдимизга қўп-лаб вазифалар ва бурчларни юклайди.

Айниқса, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғати-т-турк” ва Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асарларидаги туркий сўзларнинг “Кодекс Куманикус”даги туркий сўзлар билан генетик муносабатларини ўрганишнинг ҳалигача ҳеч бир олим томонидан тадқиқ қилинмаганлиги ҳам, бу борада ўз тадқиқини кутиб турган долзарб ва ўта муҳим вазифалар сирасига киради.

